

ЎЗНОМСН

Ушбу сонда:

- 2 ИШБИЛАРМОНЛАРНИНГ
МАДАД МАРКАЗИ
- 3 ОЛИЙ
ҚАДРИЯТ ИФОДАСИ
- 4 ОНА-ВАТАН
уни қандай севиш керак?

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури — амалда

Эртасини ўйлаган ҳар бир давлат дастлабки эътиборини авваломбор таълимни ривожлантиришга, ўсиб келаётган келажақ эгаларининг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва уларнинг дунёқарашини кенгайтиришга қаратиши бежиз эмас, албатта. Бойси, тараққиёт учун масъуллик руҳида тарбия топган инсонларгина она заминини гуллаб-яшнаши учун ўзида куч ва имконият топиши мумкин.

Мустақилликка эришилгандан сўнг республикада таълим тизимида бир талай ислохотлар амалга оширилди. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига асосан академик лицейлар, касб-хунар коллежлари очилди, олий ўқув юрларида мутахассислар тайёрлаш билан янгича ёндошув йўлга қўйилди. Шунингдек, янгидан янгилан масканлари ташкил этилиб, ёшларнинг соҳа бўйича мукамал билим

олишлари учун шарт-шароитлар тубдан яхшиланди. 1996 йилдан буён юртимизга кадрлар етказиб беришда муносиб улуш қўшиб келаётган Тошкент Банк коллежи ўзининг 10 ёшини қаршиламоқда.

Ўқув масканида банк иши, бухгалтерия ҳисоби, банкларда бухгалтерия ҳисоби, молия ағенти, сугурта иши каби мутахассисликлар бўйича ёшларга жами 166 на-



коллек ҳаётидаги янгиликлардан ўқувчиларни бохабар этиб борадилар.

Вилоятлардан келган ўқувчилар учун 114 ўринга мўлжалланган "Ўқувчи-ёшлар турар жойи" барча қўлайликларга эга. Шу ерда фаолият юритаётган ахборот ресурслари бўлими ва ўқув дарсликларидан ташқари турли адабиётлар ва бадий китобларга бой бўлган кутубхона ҳам ёшлар хизматида.

Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида спорт ва фан тўғрисидаги мунтазам ишлаб турибди. Бир сўз билан айтганда, илм олиш, маънавий юксалиш учун барча имкониятлар етарли. Ёшлардан бир нарсаси астойдил ўқиш, ўз устида тинимсиз изланиш талаб этилади, холос.

Мактуба МҰМИНОВА,
«Ишонч» мухбири,
Иқром ҲАСАНОВ олган
суратлар

ТАЪЛИМ УЧУН ҚУЛАЙ ИМКОНИЯТ



фар профессор-ўқитувчилар сабоқ бериб келмоқда. Бу ерда таълим олувчилар учун замонавий жиҳозлар билан таъминланган ўқув хоналари ҳамда сўнгги русумдаги 200 дан ортқ компьютерлар мавжуд. Коллежда ўқувчиларнинг маънавий дунёқарашини шакллантириш мақсадида ташкил этилган «Маънавият маскани», «Ахборот-ресурс маркази» ҳамда спорт-зали ва майдончалари, теннис кортлари ташкил этилган. «Ахборот гуруҳи» аъзолари радио марказ орқали дунёнинг халқаро янгиликлари, ватанимизда олиб борилаётган ислохотлар, сиёсий, иқтисодий, маданий ва

Фаолиятга назар

Тошкент вилоят Ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшма кенгаши ўз сафига 46 минг нафарга яқин аъзони бирлаштирган бўлиб, айни вақтда уларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза қилмоқда. Жорий йилда бу борада қандай натижаларга эришилди? Мухбиримиз тармоқ касаба уюшмалари вилоят кенгашининг раиси Мавжуда ХАЛИЛОВА билан шу ҳақда сўхбатлашди.

— Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини тақомиллаштириш касаба уюшма ташкилотларининг асосий фаолият йўналишларидандир. Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган йиғилишида сўзлаган нутқида беминнат ҳомилик ёрдами кўрсатиш, бева-бечора ва етим-есирларнинг бошини силлаш, муҳтож ва кам таъминланган оилаларга кўмак бериш каби халқимизга хос фазилатлар ҳаётимизда миллий қадрият даражасига кўтарилганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Шунингдек, кириб келаётган 2007 йилни юртимизда «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилишни тақдиф этдилар. Бунда алоҳида рамзий маъно бор, деб ўйлайман. Чунки, юртбошимиз бу тақдирлар билан ҳар бир инсонни одамийликка, ҳайр-саховатга чорламоқдалар. Биз ҳам тақдирни қўлаб-қувватлаган ҳолда меҳнаткашларни, кам таъминланган оилаларни, ногиронларни, уруш ва меҳнат фахрийларини ижтимоий ҳимоялашни янада яхшилашни ўз олдимишга асосий мақсад қилиб қўйдик.

Вилоят кенгаши тасарруфида учта бирлашган касаба уюшма кўмитаси ҳамда 69 та бошланғич ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Биз кейинги вақтларда бошланғич ташкилотларимиз сафарини ташкилий жиҳатдан мустақамлаш, уларнинг жанговарлигини ошириш ва ҳаракат бирлигини таъминлашга жиддий аҳамият бермоқдамиз.

Тармоқ касаба уюшма Марказий кенгаши ҳамда кенгашимиз тизимни тақомиллаштириш, услубни шакллантириш, иш самарадорлигини оширишга қаратилган қатор қўлланмалар ва тавсиялар ишлаб чиқди. Асосий иш йўналишлари бўйича семинар-кенгашлар, худудларда эса «Касаба уюшма кунлари» ўтказилди. Фаолларни ўқитиш ҳамда малакаларини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Иш бевуқчалар билан ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида конструктив муносабатларни ўрнатish ҳамда амалдаги қонунчиликда қўзда тутилган меъёрлар ва талабларни жамoa шартномалари орқали амалга ошириш этиш борасида сезиларли

ишлар амалга оширилди. — Дарҳақиқат, келишувлар ва жамoa шартномалари касаба уюшма аъзоларини ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашда муҳим аҳамиятга эга.

— Тўғри айтдингиз. Таъкидлаш жоизки, кенгаш тасарруфидаги 62 та юридик шахс мақомига эга бўлган корхона ҳамда акциядорлик жамиятларида юз фоиз жамoa шартномалар

қат марказимизда бўлганлигини таъкидлашни истардим. Рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, жорий йилнинг 10 ойи давомида жамoa шартномалари орқали 3 минг 905 та кам таъминланган, кўп болали оилалар, пенсионерлар ва ногиронлар, уруш ва меҳнат фахрийларига, байналмилалчи жангчиларга корхоналар ҳисобидан 72 миллион 533 минг сўм, касаба уюшмалари ҳисобидан 16 миллион сўмликдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. 298 нафар кўп болали аёлларнинг ойлик маоши сақланган ҳолда иш ҳафтаси бир соатга қисқартирилди. Жамoa шартномалари орқали ишчи-хизматчиларга курсатилган бундай имтиёзларни яна қўлаб санаб ўтиш мумкин.

— Меҳнат муҳофазаси ҳамда меҳнаткашларга қўйилган талабларни қўриқиб олиш шариоити яратиб бериш ҳам муҳим ишлардан. — Тармоғимизда иш шариоитининг ўзига хослиги, меҳнат қилиш айрим жойларда ҳавфли бўлганлиги учун ҳам соғлом ва ҳавф-хатарсиз иш шариоити яратиб бериш нияоятда муҳим. Шу боисдан 2005 йил ҳамда жорий йилнинг 9 ойида кўпгина тadbирлар режалаштирилган эди. Уларни бажариш учун 1 миллиард 140 минг сўм ажратилди. Шу жумладан, жамoa шартномалари бандларига бинаон ушбу муҳим тadbир учун 525 миллион сўмликдан зиёд маблағ сарфланиб, 758 та тadbир бажарилди. Мазкур савий-харакатлар натижада тarmoқдаги 56 та корхонада бахтсиз ҳодиса рўй бермади. 72 та корхонада эса улим билан тугаган ҳодиса содир бўлмади.

Лекин ҳали бу борада кўп изланишимиз зарур. Чунки ишлаб чиқаришда қўнғилсиз ҳодисалар ҳамон учраб турибди. Масалан, тасарруфимиздаги корхоналарда ўтган йили 50 нафар киши жароҳатланди.

Ишлаб чиқаришда қайд этилган ҳодисаларнинг 55 фоиздан кўпроги жамoaчилик назорати сусткашлиги оқибатида рўй берганлигини ўзиёқ бизни сергак тортириши керак. Бунинг устига айрим корхоналарда меҳнат муҳофазасига оид айрим тadbир-

лар бажарилмапти. Ангрэн иссиқлик электр станциясида жамoa шартномасида меҳнат муҳофазасига мўлжалланган 29 та тadbирдан 20 тасигина бажарилганлигини нима билан изохлаш мумкин? «Электркимёсаноат» очик акциядорлик жамиятида режадаги 54 та тadbирдан 51 таси ҳаётда ўз аксини топди.

— Вилоятда тармоқ меҳнаткашлари ўртасида маданий-маърифий, соғломлаштириш ҳамда спорт ишлари қандай йўлга қўйилган?

— Меҳнаткашлар, айниқса, ёшлар ва аёллар ўртасида маданий-маърифий тadbирлар ўтказиш, маданият саройлари ҳамда кутубхоналар ишини ташкил этиш бўйича кўпгина ишлар бажарилди. Тасарруфимиздаги икки та маданият саройида 33 тadan зиёд тўғрақлар фаолият кўрсатяпти. Бадий ҳаваскорлик, фото ва кино, тасвир савий тўғрақлари шулар жумласидандир. Бундан ташқари, эстрада вокал-чолгу, халқ чолгу оркестрлари ишлаб турибди. Кейинги икки йил мобайнида маданият саройларида 500 дан зиёд турли тadbирлар ўтказилди. Мазкур масканларда 34 нафар тажрибали маданият ходимлари фаолият кўрсатяпти. Шунингдек, 4 та кутубхона меҳнаткашлар иштирокида.

Жорий йил яқини бўйича «Электркимёсаноат» очик акциядорлик жамиятининг «Кимёгар» оромгоҳи вилоят миқёсида иккинчи ўринни эгаллади. Мавжуд бешта болалар ёғи соғломлаштириш оромгоҳларида жамуудда 5 минг 320 нафар, яъни режадагидан 280 нафар кўп фарзандларимиз мириқиб хордик чиқаришди. Корхона ва хўжалиқлар ҳисобидан 696 нафар болалар бепул соғломлаштирилди. Ангрэн шаҳридаги 34-«Меҳрибонлик» йилининг 200 нафар тарбияланувчилари «Койнот» оромгоҳида «Ўзбеккумир» очик акциядорлик жамияти ҳисобидан дам олдирилди.

Кенг меҳнаткашлар оммасини спортга жалб этиш учун барча имкониятлар сафарбар этилмоқда. Бунинг учун жорий йилда 3 миллион 582 минг сўм маблағ сарфланди. Спортчиларимиз кўпмаб мусобақаларда совринли ўринларни эгаллашмоқда. Масалан, теннисчиларимиз Марказий кенгашнинг 8-турнирида иштирок этиб, иккинчи ўринни эгаллашди. Қурашчиларимизга эса VI республика мусобақаларида умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин насиб этди. Жисмоний тарбия ҳамда спорт тadbирлари болалар ёғи соғломлаштириш оромгоҳларида ҳам ўтказилди. Қолиб-бар вилоят кенгашининг қимматбахо совгаллари билан тақдирланганидир.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИ ВА МАРКАЗИЙ БАНКИ ҲАМДА ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИ МИССИЯСИНING ҚЎШМА ПРЕСС-РЕЛИЗИ

Тошкент, 2006 йил 13 декабр
Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) миссияси 2006 йил 30 ноябрдан 13 декабргача Ўзбекистонда бўлиб, IV моддага мувофиқ маслаҳатлашувлар доирасида Ўзбекистон ҳукумати билан муҳокама ўтказди. Миссияга Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти директорининг ўринбосари Сена Экен хоним бошчилик қилди.

Ўзбекистон ҳукумати ва ХВЖ миссияси иштирокидаги муҳокама чоғида 2005-2006 йилларда иқтисодийнинг ривожланиши, 2007 йилга доир истиқболлар ва ўрта муддатли истиқболлар, шунингдек ҳукуматнинг иқтисодий ислохотлар дастури диққат марказида бўлди. Муҳокама ошқора ва амалий руҳда ўтди. Миссия самарали ҳамкорлик учун алоҳида миннатдорлик изҳор этди.

Миссия сўнги икки йил мобайнида умумий иқтисодий кўрсаткичлар юқори бўлганлигини эътироф этди. Бу яқин икки маҳсулот ўсиш суръатлари юқори бўлиб, расмий маълумотларга кўра камидан 7 фоизни ташкил этгани, асосан экспорт ҳажми ортаганлиги туфайли савдо баланси ва жорий операциялар ҳисобида сезиларли профицит мавжудлиги, олтин-валюта захираси кескин ошиб, айни пайтда унинг миқдори 12 ойлик импорт қийматига тенг эканлиги билан изохланади. Сўнгги пайтларда инфляция пасая бошлади.

Иқтисодий сиёсат соҳасида пухта ўйланган солиқ-бюджет сиёсати олиб борилди, натижада солиқ ставкалари пасайтирилганига қарамай, бюджет профицитига эришилди. Тўлов балансидаги барқарор актив сальдо пул-кредит агрегатлари таъсир кўрсатиб, пул-кредит сиёсати олдири мураккаб вазифалар қўйди. Шунга кўра, 2006 йилда Ўзбекистон Марказий банки пул-кредит сиёсатини зарур даражада қатъийлаштирди. Солиқ-бюджет ислохотларида кўзда тутилган ривожланиш билан бир қаторда тузилмавий ислохотлар-

ни изчил амалга ошириш давом эттирилди. Миссия иқтисодий ўсиш ва тўлов балансининг кўрсаткичлари аввалгидай юқори бўлиши прогноз қилинаётганлигини ҳисобга олиб, 2007 йилнинг иқтисодий истиқболлари ижобий бўлишини қайд этди. Миссия ҳукумат бундан буён ҳам инфляцияни пасайтириб боришга қаратилган савий-харакатларни, шу мақсадда пул-кредит сиёсатини қатъийлаштиришни ва пухта ўйланган солиқ-бюджет сиёсати ўтказишни давом эттиради, деб ишонади.

Молиявий барқарорлик шароитида ўрта муддатли истиқболда иқтисодий ўсишнинг юксак суръатларини таъминлаш учун, миссиянинг фикрича, иқтисодий сиёсат олдири турган бошқа вазифаларни ҳал этиш лозим, жумладан инфляцияни пасайтириш, банк тизими янада ривожлантиришга тўққунлик қилган факторларни барқарор этиш ва ташқи савдо соҳасидаги тўсиқларни олиб ташлаш зарур. Бу мақсадларга эришиш учун миссия қатор тавсиялар киритди: улар - янада мослашувчан курс сиёсатини олиб бориш, банкларни уларга хос бўлмаган функциялардан ҳалос этиш, ташқи савдо билан боғлиқ солиқ ва маъмурий тўловларни камайтиришдан иборат. Мазкур тавсиялар ҳукумат томонидан иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида диққат билан қўриб чиқилди.

Миссия Халқаро валюта жамғармаси ислохотларини давом эттиришда Ўзбекистонга ёрдам беришга, шу жумладан техник кўмак кўрсатишга тайёр эканлигини маълум қилади.

ҲАЖ САФАРИГА ЖЎНАБ КЕТИШДИ

Истиқлол шариоити билан миллий урф-одат ва аъналаримиз қатори муқаддас диний қадриятларимиз ҳам қайта тикланди. Натижада юртиниз мусулмонлари ислом динининг барча арконларини, жумладан, ҳаж амалларини эмин-эркин бажариш имконига эга бўлдилар. Бунинг учун илмнинг юртдошларимиз муқаддас ҳаж амалларини адо этиб келаётганлари ҳам исботлайди.

Эътиқод эркинлиги ва диний бағрикенглик давлатимиз раҳбари сиёсатининг муҳим йўналишидан биридир. Ана шу оқилона сиёсат туфайли Ўзбекистонда йигирмага яқин конфессия, жумладан, ислом, насроний, яхудо, католик ва бошқа динлар вакиллари аҳли-қош, тинч-тотув яшаб, ўзининг диний эътиқод амалларини эмин-эркин адо этиб келмоқдалар.

Истиқлолгача Ўзбекистон фуқаролари ҳаж зияратига боришни эри-

қилишлари мумкин эди, холос. Ўзбекистон Мусулмонлар идорасидан маълум қилишларича, ҳар йили беш мингдан ошқ юртдошимиздан беҳад миннатдоримиз. Ватандошларимиз муборак ҳаж амалини адо этиш асносида мамлакатимиз тинчлик-осойишталиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида олиб борилаётган хайрли ишларига Яратганининг ўзи мадад беришини сўраб дуо қиладилар.

Бундан ташқари, ҳаж сафарига отланган ватандошларимизнинг дастлабки гуамалларини эмин-эркин адо этиб келмоқдалар. Истиқлолгача Ўзбекистон фуқаролари ҳаж зияратига боришни эри-

қилишлари мумкин эди, холос. Ўзбекистон Мусулмонлар идорасидан маълум қилишларича, ҳар йили беш мингдан ошқ юртдошимиздан беҳад миннатдоримиз. Ватандошларимиз муборак ҳаж амалини адо этиш асносида мамлакатимиз тинчлик-осойишталиги ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш йўлида олиб борилаётган хайрли ишларига Яратганининг ўзи мадад беришини сўраб дуо қиладилар.

Х.САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири

Жараён

ФАРОВОНЛИК САРИ

Жорий йилда Вобкент туманида хўжалиқлар ва аҳоли ихтиёридаги чорва моллари бош сони кескин кўпайди. Бунинг асосида республика Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда унинг бажарилиши билан боғлаш мумкин. Мазкур қарор ижросини таъминлаш борасида туман давлат ветеринария бўлими жановаси аниқ режалар асосида иш юритмоқда.

Йилининг ўтган даври мобайнида жамoaда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқлари билан 7 мингдан ортқ шартнома тузилган. Шунга асосан уларга зооветеринария хизматлари кўрсатилмоқда. 18 та зооветеринария шохобчаси ва дорихоналар мунтазам ишлаб турибди. Шулардан 7 таси хусусийлаштирилган бўлиб, ўзининг юридик мақомига эгадир.

Эҳтиёжманд, кўп болали

рат банклари орқали кредитлар ажратилиб, яқин кунлар ичида хориждан 180 бoш соғлом, зотдор қорамоллар келтирилди. Бунинг учун барча тadbирлар қўриб қўйилган, жойлардаги қорамолчилик фермалари таъмирланиб, дезинфекция қилинган ва санацияга қўйилган.

32 нафар олий маълумотли ва 20 нафар ўрта махсус касб мутахассисларидан иборат туман Давлат ветеринария бўлими жановасининг кули-қўлига тегайди. Бугун амалга оширилаётган савий-харакатлар келгусида чорвачиликни янада ривожлантиришга хизмат қилиши аниқ. Бу эса аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириб, дестурхон тўқинлигини таъминлайди.

Изатулла ҲОЖИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Миллий истиқлолимиз ҳаётга теган кўз билан қараша, ҳар бир соҳада ишбилармонлик ва тадбиркорлик қилиб, бозор муносабатларини шакллантиришга шарафли вазифани берилади.

Сир эмас, илгарилари тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш учун оила саргардон бўлишга тўғри келарди. Республика Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борадаги муаммо ва тўсиқларга чек қўйди.

Муҳим дастуриямалални Иккинчидан, марказнинг ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда ту-

Ислоҳот берган имкон

«Булоқбоштранс» хусусий автомобиллар корхонаси, «Авто омад» хусусий корхонаси, «Абдуқалил» фирмаси жамоалари ишлаб чиқаришни жадаллаштириб, ҳам уларига, ҳам аҳолига катта наф келтирмоқда. Мазкур корхоналарда шартнома ва қонунларда белгиланган тўловлар муддатида удаланиб, фойда ҳисобидан

Сўнгги йилларда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлашда кўшма корхоналар ҳиссаси сезиларли бўлмоқда. Сирдарё вилоятида кейинги йилда бир ярим минг киши янги иш ўрнига эга бўлди. Ҳўш, уларнинг молиявий-иқтисодий аҳоли қандай? Худуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишида уларнинг ҳиссаси қай даражада?

Таъкидлаш жоизки, ўтган тўққиз ойда юқалиш, иқтисодиётда барқарор муҳитни шакллантириш борасида анча ишлар амалга оширилди. Истиқболли дастурлар асосида ишлаш, хориз инвестициясини жалб этишда ижобий силжешлар бор. Худудда чет эл инвесторлари иштирокидаги 40 та қўшма корхона

руйхатдан ўтган. Уларда мукамал технология тизимида асосланган ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва савдо-сотик йўлга қўйилди. Жами 13690,6 минг АҚШ доллари устав

батта. Бироқ ташиқ этилгандан буён ҳали ёлчители ишламаётган, ҳамкорликдан умумли фойдаланмаётган корхоналар ҳам йўқ эмас. Масалан, 12 та қўшма корхона фаоли-

панияси томонидан етказиб берилган 6230 минг АҚШ долларлик асбоб-ускуналар қўл келмоқда. Хусусан, Гулистон шаҳридаги Ўзбекистон-Буюк Британия ҳамкорлигидаги «Сарбонтекс» қўшма корхонаси ҳам оёққа мустаҳкам туриб олди. Мазкур корхоналарда 1,5 минг нафардан ортиқ киши иш билан таъминланди.

Этиборли жиҳати, улар солиқ ва бошқа тўловларни мунтазам амалга оширмоқда. Жумладан, тўққиз ойда 475 миллион 332,3 минг сўм солиқ давлат бюджетига ўтказилди. Бу аса халқимизнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш имконини бермоқда.

Камолитдин СУЛАЙМОНОВ, Сирдарё вилоят давлат солиқ бошқармаси «Валюта ва экспорт-импорт операцияларини назорат қилиш» шўъбаси бошлиғи

ИШБИЛАРМОНЛАРНИНГ МАДАД МАРКАЗИ

ман давлат солиқ инспекцияси қошида кичик, ўрта бизнес ва деҳқон-фермер ҳужжалиларини қўллаб-қувватлаш маркази ташкил этилган бўлиб, унинг асосий мақсади — мутасадди ташкилотлар томонидан рўйхатга олишнинг бўзилишига чек қўйиш ҳамда қонунда кўрсатилмаган қўшма ҳужжатлар талаб қилиш ҳолларига барҳам беришдан иборат эди.

Бу ерда жисмоний шахс фаолиятини бошлаш учун қандай ҳужжатлар лозимлигини ҳамда ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини батафсил ўрганишига етарлича шароитлар яратилди. Аслида бу катта ағиллик бўлмасда, унинг иккита муҳим жиҳати бор: янги марказ иш бошлагандан сўнг ишбилармонлик билан шуғулланувчилар сони савдо-сотик тармоқлари, касаначилик ва хунармандчилик ҳисобига 300 тага кўпайди. Шунингдек, қўшмача 1800 та янги ишчи ўринлари яратилди. Этиборлиси, бу ерда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳам сифатли, ҳам арзон.

кўплаб янги ишчи ўринлари барпо этилмоқда. Шунингдек, ходимлар бажараётган юмушдан мамнун, ташкилотнинг келажаги порлоқ бўлишига ўз ҳиссаси борлигидан фахрланади. Чунки қилган меҳнатига яраша рағбатланиб, манфаат кўрапти.

Шундай бўлса-да, яратилган имконият ва имтиёزلарни четлаб ўтиб, ўз манфаати йўлида ноқонуний ишларга қўл ураётган кишилар ҳам йўқ эмас. Қисқа муддатли текширувларда ҳужжалик юритувчи субъектлардан 26 таси ҳамда савдо-сотик билан шуғулланувчилардан 14 тасининг фаолияти ўрганиб чиқилганда, тушум пуллариини ўз вақтида банкка топширмастик, қамайтириб кўрсатиш ёки рухсат бўлмаган маҳсулотларни яширишча сотиш ҳолларига дуч келинди. Ноқонуний фаолият билан шуғулланганларнинг 7 нафари мансабдор шахслар экани, айниқса, ачинарлидир. Уларга нисбатан қонун доирасида чоралар кўриляпти.

Ойбекжон СОЛИЕВ, Булоқбоши тумани ДСИ бошлиғи

ИҚТИСОД БАРҚАРОР — ЮТУҚЛАР СЕРОБ

фондига эга корхоналар катта миқдорда маҳсулот ишлаб чиқаришга эришди. Бу аса хориз билан ҳамкорликда қўшмача даромад орттириш, харидорбоп, рақобатбардор маҳсулотлар тури кўпайишига туртки бўляпти.

Буғунги кунда фаолият кўрсатаётган 28 та корхона маҳсулотининг аксарият қисми хоризга экспорт қилиняпти. Бу қувончи хол, ал-

ятидан кўнгил тўлмайд. Уларнинг аксарияти маблаг йўқлиги, низоми фонди шаклланимагани боис фаолият кўрсатолмаяпти. Катта ишга қўл урган тадбиркорларнинг бу бепарволигини қандай баҳолаш мумкин?

Этироф этиш керакики, қатор қўшма корхоналарнинг истиқболли порлоқ. Уларнинг тўлиқ қувват билан ишлаши учун Швейцариянинг EW 1 Eastwest Internation AG ком-

Умуминсоний қадрият

Оила — муқаддас ва табарруқ даргоҳ. Келажак бунёдкори — ёш авлод унда улғаяди ва камол топади. Оилалари мукамал давлатнинг истиқболли порлоқ бўлади. Шунинг учун истиқбол йилларида жамиятимизда иқтисодий, маданий, маънавий ислохотлар билан бир қаторда оилага ҳам алоҳида этибор қаратилди. Конституцияимизнинг XIV бобида оила ва унинг ҳуқуқлари ҳақида қайд этилганлиги оилага этибор юксаклигидан далолат беради. Унда оиланинг жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқи мустаҳкамланган. Мамлакатимизда оилани ҳар томонлама таъминлаш, етарли муносиб турмуш шароитини яратиш борасида ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Бундан кўзланган мақсад аса буюк келажак йўлидаги эзгу ишларни бажаришга қодир бўлган соғлом, жисмонан ва маънавий камол топган авлодини вояга етказишдан иборат. Бош қомусимизда ана шу масалага алоҳида аҳамият берилган.

ОИЛА - ЖАМИЯТ БЎҒИНИ

накам саодатга эришадилар. Бу йўлда дуч келинадиган муаммолар ечимини топишда бўлим ходимлари ҳам бирдек масъулдилар. Оилани барпо этиш, унда мўтадил муҳитни шакллантириш нақадар мураккаб эканини идрок этиш учун инсонийлик сабоқлари, шарқона тарбия воситаси билан бир қаторда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу борада қатор ҳамкор ташкилот ва муассасалар билан ўтказилаётган тадбирлар қўл келмоқда. 2006 йил «Хомийлар ва шифокорлар» йили муносабати билан бўлимнинг иш режаси тузилган бўлиб, шу асосда қўламли фаолият олиб бориляпти. Масалан, «Миллий урф-одатлар ва ёшларнинг кийиниш маданияти», «Аёл ва ҳуқуқ», «Гибевандлик ва ичкиликбозлик умр заволи», «Никоҳ шартномаси — оиланинг ҳуқуқий қафолати», «Оила-муқаддас Ватан», «Аёл-баркамол авлод тарбиячиси» сингари мавзуларда учрашув, давра сўхубати ва семинарлар мунтазам ўтказилмоқда. Шунингдек, ҳар ойнинг охирига пайшанба кунини бўлим қошида ташкил этилган «Еш оила мактаби» машғулотларига ёшларимиз алоҳида қизиқиш билан қат-

нашадилар. Мутахассис шифокорлар жалб этилган ҳолда уюштирилаётган ушбу машғулотларда оиланинг муқаддаслиги, уни асраб-авайлаш маъсулиятли бurch эканлиги ҳақида қизгин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтади.

Умуман, бу каби тадбирлар ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти юксалишига, оилага муҳаббат туйғуларини шакллантиришга хизмат қилади.

Зеро, Юртовшимиз таъкидлаганидек, оила ҳаётнинг абадийлиги, авлодларнинг соғломлиги ва давомийлигини таъминлайдиган, урф-одатларимизни сақлайдиган, шулар билан бир қаторда наслларни қандай инсон бўлиб етиштиришга бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир.

Бош Қомусимизнинг 63-моддасида «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга», дея белгилаб қўйилган. Модомики, оила жамият бўғини экан, унинг мустаҳкамлиги, барқарорлигини таъминлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз бўлмоғи лозим.

Ҳидоят ЖЎРАЕВА, «Ишонч» мухбири

Бизнинг интервью

Швейцария банклари тўғрисида эшитардик. Кўнгилнинг тубида орзу туйрадик. Ҳозир аса қундан тунга кўпайиб бораётган банкларимизни қўриб, беихтиёр дилимизда ифтихор ҳис қиламиз. «Ипотекабанк» акциядорлик тижорат банки ана шулар сирасидандир.

Мазкур банк жамоаси аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида изчиллик билан саъй-харакат кўрсатаётди. «Ипотека-кредити» ҳақидаги гап аса кенг қанот ёзди. Унинг мухлислари тобора ошиб бораётди. Республика «Ипотекабанк» ипотека ва истеъмол кредитлари бошқармаси бошлигининг ўринбосари, ипотека кредитлар бўлими бошлиғи Аҳмад Тожихўжаев шундай дейди:

— Аҳолининг шинам уй-жойларга бўлган талаб-эҳтиёжларини мумкин қадар

кредит олинганидан тўлағуна қадар бўлган давр мобайнида ҳаёти ва меҳнатга лаёқатлилигини йўқотмасликнинг суғуртаси ҳамда гаровга берилган уй-жой суғурта қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт. Уй-жой сотиб олиш учун бериладиган кредитдан фойдаланиш муддати низомага мувофиқ 6 ойгача имтиёзли давр билан 10 йил-муддат ҳисобланади. Бошланғич бадал маблағининг миқдори сотиб олиннадиган уй-жой умумий қийматининг камида 20 фоизига мувофиқ келиши керак. Кредит сотиб олинадиган уй-жой қийматининг 80 фоизини қамраб олади. Қарз олвчи томонидан бошланғич бадалга киритилган пул маблағлари ва кредитдан фойдаланиш муддатидан келиб чиқиб, кредитдан фойдалан-

сида линиялар очиб, жамғарма томонидан банкларга бериладиган маблағлардан факат мақсадли фойдаланиш мониторингини таъминлаш, жамғарма тушумлари ва унинг маблағларидан фойдаланишининг йиллик ҳамда чорак балансларини шакллантириш ва ҳоказолардан иборатдир.

— **Ипотека кредити олинишида аҳолига қандай қулайликлар яратилаяпти?**

— Бу ҳақида олдимизда турган долзарб вазифа ҳисобланган. Республикаимиз минтақаларида банкнинг иқтисодиётдаги хизматларидан қийинлашган фойдаланишини таъминлайдиган банкимиз шохобчалари фаолият кўрсатаётди. Жумладан, маъжуд 38 та филиал ҳамда 146 та минибанклар орқали жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида банк томонидан жисмоний шахсларга уй-жойлар сотиб олиш ва уларни таъмирлаш учун шартнома асосида қарийб 4 миллиард 49 миллион сўм миқдориди ипотека кредитлари берилди.

— **Ипотека кредити олиш учун банкка қандай ҳужжатлар тақдим этилади?**

— Бунинг учун: — қарз олувчининг аризаси ва банк томонидан белгиланган шаклдаги, қарз олвчи томонидан тўлдирилган ва имзоланган кредит олишга сўровнома; — қарз олувчининг паспорти ва жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасининг асл нусخаси; — меҳнат дафтарчаси ҳамда меҳнат шартномасидан нусха; — яшаш жойидан ва оиласи таркиби ҳақида маълумотнома; — оиланинг вояга етган ва етмаган аъзолари шахсини тасдиқловчи ҳужжатларнинг асл нусхаси; — ипотека банк муассасасида бошланғич нақд пул қўйилмаси маъжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (қўйилмас дафтарчасининг нусхаси); — қарз олувчининг асосий ва қўшмача иш жойидан қайтариш 12 ой давомида олинган даромадлари ва ушланмалари миқдорлари ҳақидаги маълумотнома ёки солиқ органи томонидан тасдиқланган, яшаш жойи бўйича қарз олвчининг кейинги йил учун даромадлари ҳақидаги декларация нусхаслари; — уй-жой сотиб олиш учун тузилган (бошланғич) шартнома; — сотиб олинаётган уй-жойнинг қиймати бўйича амалдаги қонунчиликка асосан мустақил баҳоловчининг баҳолаш ҳисоботи ва ҳоказо ҳужжатлар банкка топширилади.

— **Ипотека кредитининг бошқа кредит турларидан фарқи ёки афзаллиги борми?**

— Бунинг бир сўзи билан ифодалаш мумкин. Ипотека кредити берилишида, ҳали айтиб ўтганимиздек, қўшмача даромади кидирилмайди.

Сўхбатдош: Шарофат ИСКАНДАР қизи



Оиланинг тамал тоши қўйилган маскан ФХДЕ фаолияти ҳам ана шу вазифа билан чамбарчас боғлиқ. Янги, мустақил ҳаёт бунёдкорлари турган ёшларга оилавий турмуш, унинг пасту бандлида учрайдиган муаммоларни оқиллик билан муаммоларни оқиллик билан бартараф этиш, бахтли турмуш тўғрисида тушунтириш ушбу муассаса ходимлари зиммасига масъулият юкляпти.

Оиланинг тамал тоши қўйилган маскан ФХДЕ фаолияти ҳам ана шу вазифа билан чамбарчас боғлиқ. Янги, мустақил ҳаёт бунёдкорлари турган ёшларга оилавий турмуш, унинг пасту бандлида учрайдиган муаммоларни оқиллик билан муаммоларни оқиллик билан бартараф этиш, бахтли турмуш тўғрисида тушунтириш ушбу муассаса ходимлари зиммасига масъулият юкляпти.

— Оила билан боғлиқ муаммоларнинг узили-қесил ҳал этилишидан факат унинг аъзолари эмас, балки жамият ҳам манфаатдордир. — дейди биз билан сўхбатда Шайхонтоҳур туман ФХДЕ бўлими мудири Мунира Исомова. — Энг аввало таъкидлаш жоизки, оиланинг келажигини соғлом авлод белгилайди. Шундан келиб чиққан ҳолда бу борада кенг қамровли ишлар олиб бориляпти. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги қарорига асосан «Никоҳланувчи шах-

сларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида»ги Низомининг қабул қилиниши соғлом оилани шакллантириш, ирсиятга боғлиқ ва тўғма касалликларга чалинган болаларни туғилишининг олдини олиш каби бир қатор муаммоларни ҳал этишда мустаҳкам оил бўлмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан фуқароларнинг никоҳдан ўтиш учун бериладиган аризалари бир ой аввал қабул қилинади ва ўша пайтда ФХДЕ бўлими ходимлари томонидан никоҳдан ўтадиган йигит-қизларга доимий яшаш жойларини буйича марказий поликлиникалардан ўз хизмат турига кўра тиббий кўриқдан ўтиш учун йўналиш берилади. Тиббий кўрик натижалари ҳақидаги маълумотларини никоҳланувчи шахслар 15 кун мобайнида тақдим этиши керак. Шундан кейин уларнинг никоҳи қайд этилади.

Ҳаёт йўллари бир маромад текис ва равоан эмас. Унинг ўнқир-чўнқирларидан эсон-омон ўтганларгина чи-

Кўли очикнинг — йўли очик

САХОВАТ

Халқободлик Жўравойнинг хайрли амаллари ҳақида барча фахрланиб гапирди. Савоб ишни ҳар ким, ҳар кун қилиши керак, деган нақлини широрта айланган бир тадбиркор инсоннинг ҳимматида гузориқлар бениҳоя мамнун.

Саховат бор жойда барака бўлади, — дейди Бахмал қишлоғида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши ногирони, саксон ёшли Йўлдош бобо Мўминов. — Серфарзандлигимизни ҳисобга олиб, Жўравой оиламизга битта бузрукли сипир тортиқ этди. Невара-чеваралар билан маза қилиб серқаймоқ сўт ичиб юрибмиз.

— Умрим механизаторлик билан ўтган, — сўхбатини давом эттиради «Пачкамар» ширкат ҳужалигида яшовчи Дийёр Қодиров. — Оиламизда уч киши яшайди. Нафақага чиқиб, неваралар тарбияси билан машғулман. Олийҳиммат тадбиркор Жўра Мамараҳимов оиламизга битта соғин сипир берганида, бошим осмонга етди.

Мехр-муруват, ҳайр-саховат,

Чўлдаги ШИФО МАСКАНИ

Мирзачўл тумани маркази - Гагарин шаҳридаги физиотерапия шифонасига барча вилоятлар, ҳатто қўшни республикалардан ҳам даволанувчилар келади.

— Мен жуда кўп санаторийларда даволанганман, — дейди қозғоситонлик Мухаммад Бекжонов. — Аммо «Гагарин маъдани суви» шифонасисида дардим анча енгилашди. Узимни ҳар қанонгидан тетик, соғлом ҳис қилаяман.

— Шифонасига оилам билан келдим, — дейди Қўшработлик Бобоқул Мансуров. — Бу масканда яратилган шарт-шароитлар, шифокорларнинг ғамхўрлиги, юқори сифатли хизмат барчамизнинг мамнун қилмоқда. Бу ерда янги даволанув турлари йўлга қўйилгани туфайли даволаниш истағида бўлганлар сони йилдан-йилга кўпаймоқда.

«Гагарин маъдани суви» шифонасисида меҳнат қилётганлар Ижтимоий ҳимоя йилида ҳам қаровга муҳтож юзлаб инсонларнинг саломатлигини тиклашга муносиб ҳисса қўшади.

Т. БЕКНАЗАРОВ

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

кўрик-танлови

Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси ва «Ўзбекино» Миллий агентлиги ҳаммависа учун энг азиз бўлиши ойна-Ватан мустақиллигининг 16 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган аънаванавий «Энг улуг, энг азиз» республика кўрик-танловида барча ижодкорларни тақдир қилишга эҳтиш.

— бу юк истиклол туфайли қўлга киритилган моддий ва маънавий ноёматлар қўлами. Кўрик-танлов голиблари Ватанимиз мустақиллигининг 16 йиллиги байрами арафасида муқофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади. Танлов голибларини кимматбахо соғирлар кутмоқда. Ижодий ишлар «Энг улуг, энг азиз» республика кўрик-танловида деб қўрсатилган ҳолда икки нусхада 2007 йилнинг 1 августига қадар қўйидаги манзилга юборилиши лозим: **700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30 уй. Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Телефонлар: 144-57-24; 144-11-64; 144-37-87; 144-64-62.**

Ҳамкорлик

Кўпчиликнинг кўнглидаги гап

Республикамизда олиб борилаётган кенг қўламли иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳияти тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш ва унга қатор қулайликлар яратишга қаратилган. Бинобарин, сўнгги йилларда тадбиркорлик ҳаракатлари кенг қўламли бўлди. Масалага тўғри ёндашадиган бўлса, бугунги кунда ишга лаёқатли аҳолининг катта қисми тадбиркорлик орқасидан кун кечираётди. Уларнинг оғирини енгил қилиш, имкониятларини кенгайтиришга кўмаклашиш вазият тақозосидир. Бу борада бизнинг идора жамоаси ҳам қўлни қўлга бериб меҳнат қилаётди. Ҳозирги кунда 12 миң нафардан ортиқ тадбиркорлик субъектлари атрофимизда жиёслашган.

Нафсиламбирини айтганда, Республика савдо-саноат палатасининг ташкил этилганига атиги икки йил бўлди. Утган қисқа давр мобайнида палата зиммасига юклатилган тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, экспорт-импорт ишларида, жумладан, фермерларга манаи технологиялар олиб келинишида ёрдам бериш, инвестициялар киритиш ва консалтинг хизматлари кўрсатиш каби вазифаларни сидқидан адо этаётди. Шунингдек, тадбиркорликка оид қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар тайёрлашда тақлим-мулохазалар киритяпти. Тадбиркор аҳлининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида тез-тез улар ўртасида ўқув-семинарларни, учрашув ва мулоқотлар ўтказиб турилибди.

Кейинги пайтларда палатамиз фаолияти янада жўшқинлашяпти. Айниқса, бу ҳорижий мамлакатлар билан муносабатларда кўзга яққол ташланапти. Узро борди-келди, савдо-сотик муносабатлари кун сайин авж олиб бораётди. Бундай ҳамкорлик натижалари кўнглини кечаётди. Жумладан, икки йил ичида 30 дан ортиқ мамлакатдан 600 дан зиёд компаниялар иштирокида 48 та кооперацион биржа ўтказилди. Бундан асосий мақсад Ўзбекистон ва ҳориж давлатлари ўртасида савдонинг бугунги иқтисодий аҳоли ва истикболини муҳофаза қилишдан иборатдир.

Бундан ташқари, ҳорижий ва ўзбекистонлик ишбилармонлар ўртасида музокара олиб бориш ва Узро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш учун қулай муҳит яратилди. Масалан, Россия, Корея, Хитой,

Германия, Малайзия, Эрон, Италия ва бошқа давлатлар ишбилармонларидан кўп нарса урганиш ва кези келса, ўрғатиш мумкинлигини ҳаётнинг ўзи исботлади. Яна яхши ишлардан бири хусусида тўхталиб ўтишни истардим. Жумладан, ўзбек тадбиркорлари ёхуд ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган маҳсулотларини ташқи бозорга чиқариш мақсадида иқтисодий алоқалар ва савдо вазирлиги билан ҳамкорликда халқаро миқёсда 40 дан ортиқ кўргазмалар ташкил этилди. Ганнинг сираси, қизиқувчилар ҳам кам эмас. Айнқса, Германия, Малайзия, Хитой ва бошқа мамлакатларда бўлиб ўтган кўргазмалар илиқ кутиб олинди.

Бундан ташқари, чет эл савдо-саноат палаталари, халқаро ташкилотлар ва уюшмалар билан музокара олиб боришимиз натижасида 42 та фойдали ҳамкорлик битимлари имзоланди. Энг катта ютуғимиз — жаннатвор юртимиз, бунёдкор элимиз ўз аждодларига муносиб ҳахон узра адл қад ростлаётди. Бироқ омад излаб ҳорижа йўл олаётганлар ҳам йўқ эмас. Бугунги кунда уларнинг ижтимоий муҳофазаланиши ва кафолатлини кўпчиликининг кўнглидаги дард бўлиб қолди.

Зеро, республикамизда ишисизлик муаммосини ҳал этиш, янгидан янги иш ўринлари яратиш, ҳорижага юрдошларимизга меҳр-оқибат кўрсатиш, ҳамдўстлик давлатлари вакиллари билан гални бир жойга қўйиш кунимизнинг долзарб вазифасидир.

Дилмурод МИРЗАКАРИМОВ,
Республика савдо-саноат палатаси раиси ўринбосари

Туну кун одамлар хизматида

Жуда муҳим нарсалар ҳақида гап кетганда, сув ва ҳавони назарда тутамиз. Ҳаётимизни усиз тасаввур қилиб бўлмайдиган яна бир нарса бор. У — ёруғлик манбаидир. Шу боис ҳам «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси тизимидаги Тошкент вилояти ОАЖ электр тармоқлари ходимлари 2006 — 2007 йил кузги-қишки даврда электр тармоқларини бениқсон, барқарор ишлашини таъминлаш бўйича жорий ва тўлиқ таъмирлаш ишларини режа асосида амалга оширдилар.

Бу борада «Тошэлектртармоқлари» ОАЖ бошқарув раиси Шухрат Зарипов шундай дейди:

— Авваламбор жорий йилда «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясининг буйруғига ва Тошкент вилоят ҳокимининг қарорига асосан «ТошЭТ» ОАЖ электр тармоқларини кузги ишчи даврда барқарор ишлашини таъминлаш бўйича 30 банддан иборат тадбирлар амалга оширилганлигини таъкидлаш истардим.

Айни вақтда 2 миллион 500 миңдан зиёд аҳолига, 7574 дан зиёд юридик мақомга эга бўлган истеъмолчи-ташкilotларга хизмат кўрсатмоқдамиз. Уч миңга яқин ишчи-хизматчилар, муҳандис-мутахассисларимиз ҳар қачонгидан жонбозлик кўрсатиб ишламоқдалар.

Жумладан Паркент, Охангарон, Ангрн, Чирчик, Олмалик, Бекобод, Чиноз, Қуйи Чирчик, Бўка, Янгийўл, Зафар электр тармоқларида, Бўстонлик, Қибрай ва Тошкент туман ва шаҳарлари ҳудудларида жорий ва тўлиқ таъмирлаш ишлари режа асосида бажарилди. Дастлаб яроқсиз 1470 та эски ёғоч-танчлар ўрнига мустаҳкам янги темир-бетон таянчлари ўрнатилди. 9550 та яроқсиз изоляторлар янгиланди, 41,5 километр масофадаги симлар ўрнига катта қесимли симлар тортилди. Аҳоли яшайдиган қишлоқ ҳудудларида ҳам 381 та ёғоч таянчларига пасинкалар ўрнатилди. 137 та «РЛНД» русумли ажраткичлар таъмир-мирланди.

Ангрн, Тошкент, Зангиота, Қибрай туманларида жами умумий қуввати 2500


афсуски, қоидага хилоф равишда электрдан фойдаланишга ўтиб олишди. Бу эса электр тармоқлари усунуларининг зўриқиб ишлашига, охир-оқибат ишдан чиқишига, ҳатто ёнғин чиқиши хавфи ошишига олиб келмоқда.

Бундай хавф-хатарнинг олдини олиш мақсадида корхонамизда шу йилнинг 10 ноябрдан 10 декабрига қадар ёнғин хавфсизлиги бўйича кўрик ўтказилди. Вилоятдаги электр тармоқла-



Рахимжон ОРИПОВ, «Ишонч» мухбири

УЙИНИГИЗ ЧАРОҒОН БЎЛСИН



КВ бўлган 13 та ТП қурилиб, аҳолининг электр энергиясига бўлган таъминоти яхшиланди. Тармоқларга, истеъмолчилар хонадонларига замонавий 1 фазали 34 миң 363 та, ташкилотларга эса 3 фазали 1627 та электр ҳисоблагичлар ўрнатилди. Киш ойларида табиий газ босимининг пасайиб кетиши натижасида кўпгина хонадонлар уйлари иситиш ва ошхона эҳтиёжлари учун, ри объектларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш, тасдиқланган тадбирларни бажариш, бу борада комиссиялар фаолиятини кучайтириш мақсадида, тизимимиздаги барча ишчи-хизматчилар, мутахассис-муҳандислар ёнғиннинг олдини олиш ишларига кенг-роқ жалб этилди. Кўрик даврида энергетика объектларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига, тадбирларнинг бажарили-

вомида ёнғин хавфсизлиги даражасини оширишга доир тадбирлар ишлаб чиқилди ва ўз вақтида бажарилиши таъминланди. Кўриқнинг бориши кўргазмаларда акс эттирилиб, тарғибот ишларига кенг ўрин берилди.

Кўриқни ташкил этиш ва ўтказишда энг яхши кўрсаткичларга эришган жамоалар, фаол қатнашувчилар, голиблар пул мукофотлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Бир сўз билан айтганда, зиммамизда Ўзбекистон ҳукумати, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси ва вилоят ҳокимлиги томонидан топширилган муҳим вазифа — аҳолига электр манбаи етказиб бериш ва унинг узлуksиз, барқарор ишлашини таъминлашдек долзарб иш турибди. Бу эса ҳар биримиздан ўз юмушимизга ўта масъулият билан ёндашишни тақозо этади.

Электр тармоқларининг барча ҳудудларида кўрик да-

Ҳуқуқий сабоқлар

ФУҚАРОЛИК ПАСПОРТИ ОЛИБ ҚУЙИЛИШИ МУМКИНМИ?

Қамоққа олинган, озодликдан маҳрумликка, қамоқ ҳазосига маҳкум этилган шахсларнинг паспорти суриштирув, дастлабки тергов органлари ёки суд томонидан олиб қуйилади. Қамоқдан озод қилинганда ёки ҳазони ўтаб бўлгандан сўнг паспорти эгасига қайтариб берилади. Бошқа ҳолларда паспортни олиб қўйиш, шунингдек, паспортни гаровга ёки бошқа мажбуриятларни таъминлаш мақсадида қолдириш ва олиб қолиш тақиқланади.

ФУҚАРОНИ ЯШАШ ЖОЙИДА ҚАЙД ЭТИШ ДЕГАНИ НИМА?

Фуқарони қайд этиш деб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муайян истиқомат жойида шахснинг доимий ёки вақтинча яшаш фактини ички ишлар органи томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олишга айталади. Шахс муайян истиқомат жойида доимий яшаш ниятида бўлган ҳолларда доимий қайд этиш амалга оширилади.

КИМЛАР ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДИДА ДОИМИЙ ҚАЙД ЭТИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА?

Бундай ҳуқуққа — Ўзбекистон фуқаролари; — ҳорижий фуқаролар, шу жумладан МДХга аъзо давлатларнинг фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар (агар Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органи томонидан белгиланган тартибда яшаш учун берилган гувоҳномалар мавжуд бўлса) эгадирлар.

КИМЛАР ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДИДА ВАҚТИНЧАЛИК ҚАЙД ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ?

Булар — Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги бир жойдан иккинчи жойга вақтинча яшаш учун келган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари; — МДХга аъзо давлатлар фуқаролари; — МДХга аъзо давлатлардан фуқаролиги тўғрисида белгисиз бўлган собиқ СССР паспорти билан келган шахслар; — Ўзбекистон Республикасига кириш визаси билан келган ҳорижий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар.

Ҳуқуқшунос Д.МАДИЕВ жавоб берди

Қўшма корхона тўхтаб қолди

«Олтин чигит» Ўзбек-юнон қўшма корхонасининг доврнинг, албатта, сиз ҳам эшитгансиз. Ахир, у Марказий Осиёда ягона-да... Сўлим гўша кўзни қувонтиради. Қўшма буй чўзган азамат дарахлар ён-атрофга фойз бахш этади. Замонавий тилда бунёд этилган корхона биноси беихтиёр ҳавас уйғотади. Бироқ негадир усунулар саси эшитилмайди. Бизни директор ўринбосари Жовли Шопўлатов қаршилади. Гапдан гап чиқиб, ўтган кунларга бир қур назар соламиз.

Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 31 октябрдаги Ўзбекистон билан Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки ўртасида тузилган заём тўғрисидаги битим доирасида «Пахтачиликни тақомиллаштириш лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида»ги қарори асосида «Сурхон-чигит» пахта уруғчилик корпорацияси ҳамда Грециянинг Эмкат компанияси ҳамкорлигида мазкур қўшма корхонага асос солинди. Катта миқдорда маблағ

МУАММОНИНГ КАЛИТИ БОРМИ?

сарфланди. 1999 йилга келиб қўшма корхона ишга туширилди. 145 нафар киши меҳнатга жалб этилди. Сифатли уруғ тайёрлаш ва экинлар ҳосилдорлигини оширишга ихтисослашган завод Греция, Германия, Дания, Италия ва бошқа давлатларда ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар билан тўла жиҳозланди. Ниҳоят, қўланган мақсадга эришилди. Утган йиллар мобайнида кўрсаткичлар оша борди. Жумладан, 2005 йилнинг ўзига 2054 тонна туксиз сертификатланган уруғлик чигит етказиб берилиб, режа удаланди. Шунингдек, мавсум давомида 9117 тонна бугдой сифатли қайта ишланиб, дориланиб галачилик ҳўжаликларига етказилди. Пировардида умумий даромад 1700374,0 миң, соф даромад эса 105601,0 миң сўмни ташкил этади. Даромаддан бурмад, деганларидек, корхона аҳлининг яшаш тарзи бирмунча яхшиланди. Масалан, ўтган йил ишчи-ҳодимлар 8 миллион 200 миң сўм миқдорда моддий ёрдам олдилар.

Бундан ташқари, меҳмуруват ишлари ҳам амалга оширилди. Жумладан, «Хўжамулки» спорт мактаби қурилиши учун 15 миллион, «Дўстлик» маҳалласига 477 миң, «Хўжамулки» қишлоқ врачлик пунктига 3 миллион, жорий йил эса вилоят хотин-қизлар қўмитаси

Меҳнат аҳли мақсус кийим-кечак билан таъминланган. Сўт-қатиқ мунтазам равишда бериб турилади. Иш уч сменада ташкил этилган бўлиб, ишчи-ҳодимларнинг ишга бориб-келишлари учун микроавтобус ажратилган. Хуллас, мақтаса мақтагулик жиҳатлардан жунбўсга келиб, ишчилар билан сўх-башлашини ихтиёр этдик. — Ҳеч ким йўқ. Ким билан ҳам гаплашардинглар, — деди ўринбосар. Ажабланганимизни қўриб изоҳ берди. — Завод тўхтаб турибди, уруғ бўлмагандан кейин иш ҳам бўлмади-да. Ана холос. Бу ёни энди қанчадан тушди. Ўринбосарнинг сўзларига қараганда, буюртмачилар тобора камайиб бораёпти. Тўғри, бу йил пахтачилик ҳўжаликларига 1272 тонна туксиз сертификатланган уруғлик чигит етказиб берилади. Қўшни Тожикистонга 200 тонна туксиз уруғлик экспорт қилинди. Аммо негадир уруғлик галла қайта ишлашга берилмади. Ҳўш, энди нима бўлади? Шундай гинган корхонанинг эртаси қандай бўлади? Шунча маблағ, кўрсатилган сўй-ҳаракат қанчага кетади? «Олтин чигит» қўшма корхонасини гуриллатиб ишлатиш учун «уруғ» муаммосини қандай ечиш керак? Унинг калити кимнинг қўлида?.. Шарофат НОРКУЛОВА, «Ишонч» мухбири

Кафолат

Бу сўзларни юракдан англаган одам бутун вужудини, иқтидорини ва қобилиятини азиз Ватанига сарф этиши мумкин. Инсоний олий қадрият сананган мамлакатдага вайронкорлик эмас, балки бунёдкорлик голяри юқоридаги эзгу фикрларни давом эттиради. Шу боис ҳам пайгамбаримиз Мухаммад (с.а.в.) Ҳадисларида шундай доно фикр бор: «Одамлар тарқоқчи тилларидек тенгдир». Бу эса кўпмиллатли мамлакатимиз халқларининг байналмилал дўстлиги ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлини билан белгилашнинг ёркин курашишидир.

Бош Қомусимизда жаҳондаги ривожланган мамлакатлар Конституциялари тажрибаларининг энг илгор демократик жиҳатлари ҳамда «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг умуминсоний, умумбашарий голяри мазмуни муҳасаммадир. Шунингдек, Конституциямизда ўзбек халқининг ўзига хос ва мос турмуш тарзи, ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатланган. Қадриятимиз ва маданиятимизни қайта тиклаш мезонлари, инсоннинг маънавий-ахлоқий баркамоллиги асослари ўз ифодасини топган. Илгарги «ривожланган социализм» Конституциясидан коммунистик мафкура, синдийлик, партиивийлик, боринги бир ёқламалик, яқсақоқимлик мавжуд эди. Мустақил Ўзбекистон Конституциясида эса Президентимиз қайд қилганларидек, миллий дунёвий неъматлар орасидаги энг улуги — инсон деган фикр илгари сурилди ва фуқаро-жамиyat-давлат ўртасидаги узро муносабатининг тўла ва

оқилона ҳуқуқий ечимни топишда ҳамда амалга оширилмоқда. Миллий гоё ва мафқуранинг ҳуқуқий жиҳатларини тўлиқ ифодаловчи Бахт Қомусимизда ҳам «Қонун олдида ҳамма баробар» деган ақиданинг ўзи тенглик, эркинлик ва гоё сифатида гавдаланади. Гарчи, бу гоё узок тарихга эга бўлса-да, аммо ҳозирда жамиятимиз турмуш тарзининг, тараққиёт йўналишининг зарурий элементига айланиб бормоқда. Қонун ус-

тир ва элати ҳамда бошқа ҳолатларидан қатъи назар тенг ҳуқуққа эгадирлар. Бош Қомусимиз Ўзбекистон фуқароси деган аjoyиб қўйма атамани юзага келтирдики, бу юрда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва миллий аънавалари ҳурмат қилинишини кафолатлайди. Конституциямизнинг 18-моддасида: «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил

Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқлар ва эркинликлар соҳиби бўлиши керак», деган ҳуқуқий фикр билан ҳамохандир. Миллий гоё ўзбек халқи ва ўзбекистонликларнинг тарихий аънавалари, удувлари, тили, дини, руҳиятига асосланиб, истикболга, келажак туйғуларини онгимизга сингдиришда фаол хизмат қилади. Зеро, миллий гоёнинг демократик принциплари билан уйғунлашуви табиий бўлиб, у узок давом этиши ва машаққатли кечиши билан характерланади. Бу жараёнга хусусан, миллий гоёнинг ҳуқуқий жиҳатлари, уларнинг шаклланишига юридик воқеийлик таъсир этмай қолмайди. Шу маънода миллий гоёнинг шаклланишида ҳуқуқнинг, қонуннинг жамиятда тутган ўрини ва қадрини англаш катта аҳамиятга эгадир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этилишини эълон қилди. Қонун устуворлиги ҳуқуқий давлат амал қилинишининг муҳим ва асосий шартидир. У шаклланаётган мустақиллик мафқурасининг мазмун-моҳиятини ташкил қилувчи мустақил тараққиётимиз, халқимиз манфаатларини ўзига акс эттирувчи миллий гоёнинг ҳуқуқий жиҳатларини қабул қилинган қонунларда ўз ифодасини топмоқда ва ривожланмоқда. Дарҳақиқат, Конституциямизда таъкидланганидек, барча қоида-тартиблар, бир сўз билан айтганда, қонунлар халқимиз, фуқароларимиз томонидан қўллаб-қувватланиб, тўла амалга оширилмоқда.

Ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий маъқеидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар» деб қатъий таъкидланган. Бу гоё «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг 2-моддасидаги «Ҳар бир инсон, бирор бир айирмачиликсиз, ирки, терисининг ранги, жинси, тили, дини, сиёсий эътиқоди ва бошқа эътиқодлардан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқишидан, мулкий аҳоли, қишлоқ табақлага мансублиги ва бошқа ҳолатлардан қатъи назар маъкур

ОЛИЙ КАДРИЯТ ИФОДАСИ

туворлигига интилиш, қонун олдида барча фуқароларнинг тенглигини таъминлаш демократик жараённинг муҳим аломатларидан бири. Мустақилликнинг олий мақсади ва гоёси ўзбек миллати izzатини жойига қўйиш эди. Конституциямиз эса давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитмоқда. Шу маънода, деб қайд қилган эди Юртбошимиз, Асосий Қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳофаза этишда бутун халқ иш-

ҳамда бурчлари масаласида сўз борганда мамлакатимиз раҳбарлари ҳар бир шахс фақат бир давлатнинг фуқароси бўла олади, дейди. Дарҳақиқат, икки фуқаролик ҳуқуқини бериш, бу бизнинг ички ишларимизга аралашш, мустақилликимизни ечкаш, фуқаронинг бошбошдоқ бўлиб қолишини англатади. Бунга халқимиз, Ватанимиз ҳақ-ҳуқуқи йўл бермайди. «Икки давлат фуқаролигига мансублик — ачинарли ҳолдир. Бу беватанлик билан баробардир», дейди Президентимиз. Умуман, Ўзбекистон фуқаролари ўзларининг насл-насаби, милла-

Р.РЎЗИЕВ,
юридик фанлари доктори,
К.НОРМАТОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

